

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 12 (1191) 2019 йил 21 март

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодini телефонингиз орқали сканер қилинг



Махсус сон

Наврўз ингиз муборак бўлсин!



Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
келмоқда Наврўз!

Хорижий банклараро ҳамкорлик кучаймоқда

Яқинда Москва шаҳрида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги банклараро ҳамкорлик бўйича кичик комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг марказий банклари, молия ва иқтисодий ривожлантириш вазирликлари, тижорат банклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси ва Москва биржаси вакиллари иштирок этди.



(Давоми 3-саҳифада)

“Микрокредитбанк” бир йилда 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этди

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан “Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда микрокредитларнинг ўрни” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Унда банк раҳбарияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда қайд этилишича, бугунги кунда “Микрокредитбанк”нинг 81 та филиали ва 68 та мини-банклари 1,2 миллиондан ортиқ банк мижозлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, банк томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми 6-саҳифада)

Халқ банкида халқаро “Visa” тўлов карталарини очиш бепул



Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори банк тизими ривож учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунки қарор ижроси доирасида тижорат банклари томонидан бир йил ораллигида кўплаб янгиликлар жорий этилди. Натижада улар ўртасида чин рақобат муҳити пайдо бўлиб, банк мижозлари учун замонавий хизмат кўрсатиш тизимлари ишга тушди.

Бу борада Халқ банки ҳам аҳолига янги инновацион хизматларни жорий этиш учун тинимсиз изланишлар олиб бораётир. Ана шу меҳнатлар самараси эса яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида сарҳисоб қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

УШБУ СОНДА

РЕҒА: ЎЗБЕКИСТОН
БАРҚАРОР ВА
САМАРАДОР ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИГА ЭГА

2

ЎЗМИЛЛИЙБАНК:
МАҚСАДИМИЗ —
ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШ



4

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИ
НИШОНЛАШ
ҚАЧОНДАН
БОШЛАНГАН?



12



Халқ банкида халқаро "Visa" тўлов карталарини очиш бепул

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур қарор ижросига бағишланган матбуот анжуманида журналистлар Халқ банки томонидан жорий этилаётган замонавий банк хизмат турлари, тармоқда амалга оширилаётган янгилликлар билан танишдилар.

Тадбирда қайд этилишича, қарор ижроси доирасида банкнинг 197 та филиалидан 185 та сида "Банк хизматлари марказлари" фаолияти ташкил этилиб, унга асосан "фронт" ва "бэк" офисга ажратилган ҳолда хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Бугун-



Реклама



XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат
Халқ банки жамоаси юртдошларимизни
яшариш ва янгиланиш айёми –
Наврўзи олали
билан самимий табриклайди!
Юртимиздан тинчлик,
хонадонларингиздан тўкинлик аримасин!



Халқ банкидан байрам акцияси!

- **Халқ банкидан халқаро "Visa" тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.**
- **Интернет тўлов ва смс хабарларга уланиш эса мутлақо бепул.**
- **Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.**

Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32

📍 100096, Toshkent sh.,
Qatortol ko'chasi, 46

☎ +998 71 200-00-55
@xalqbanki

🌐 www.xb.uz
info@xb.uz

ги кунда қолган 11 та филиалда ҳам капитал ва жорий таъмирлаш ишлари давом этиб, у яқунлангандан сўнг "Банк хизматлари марказлари" фаолияти йўлга қўйилади.

Янгилıklarдан яна бири бу – ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда синов тариқасида Тошкент шаҳри Амалиёт бўлими ва Шайхонтохур филиалларида "24/7 электрон офис"ларининг ташкил этилганидир. Бунга қўшимча равишда жорий йил давомида 20 та "24/7 электрон офис"ни ишга тушириш режалаштирилган.

Қолаверса, банк томонидан мижозлар учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда турли интерактив хизмат турларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, "Интернет банкинг", "Корпоратив Мобил банкинг" каби мобил иловалар орқали мижозлар (юридик шахслар) ўз ҳисоб-рақамларини дунёнинг исталган нуқтасидан бошқариш имкони мавжуд. Яна бир "Xalq mobile" мобил иловаси орқали эса "Visa" тўлов картасини очган ҳолда "on-line" режимида исталган вақтда конверсия қилиш (хорижий валютани сотиб олиш) имконияти яратилган.

Шунингдек, аҳоли ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида банкнинг барча филиалларида 247 та валюта терминаллари ҳамда куну-тун режимида ишлайдиган 11 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди.

Бундан ташқари, банк томонидан мижозлар сонини ошириш мақсадида банк тарифларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан: халқаро "Visa" тўлов карталарини очиш, Халқ банки томонидан эмиссия қилинган халқаро тўлов карталаридаги маблағларни ечиш жорий йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди. Интернет тўлов ва СМС хабарларига уланиш ҳам бепул бўлди. Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси эса 25 АҚШ долларидан 15 АҚШ долларига туширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Халқ банкининг филиаллари орқали "Миллий валютадаги пул ўтказмаси" тизимини амалиётга жорий этиш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу хизмат тури жорий йилнинг апрель ойидан ишга тушиши режалаштирилган.



PEFA: Ўзбекистон барқарор ва самарадор давлат бюджетига эга

Тошкентда Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи кўмагида олиб борилган Ўзбекистонда давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) ни баҳолаш натижалари тақдироти ўтказилди.

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи экспертлари иштирок этди.

PEFA кўмагида давлат маблағларини бошқариш самардорлигининг пухта, изчил ва аниқ маълумотларга асосланган таҳлили амалга оширилади. Ҳозирги кунга қадар 150 мамлакатда халқаро стандартлар ва илғор тажрибалар асосида 600 дан ортиқ ана шундай баҳолаш ўтказилган.

Мамлакатимизда давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик бўйича олиб борилган таҳлиллар соҳада тараққиёт кўрсаткичларини баҳолаш ва мавжуд тўсиқларни аниқлаш имконини бериши билан аҳамиятли.

Ўзбекистонда бундай ўрганиш илк бор 2012 йилда олиб борилган. Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи экспертлари 2018 йил сентябрь ойидан жорий йил январига қадар навбатдаги баҳолашни ўтказди.

Тақдиротда баҳолаш натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон барқарор ва самарадор давлат бюджетига эга. Шунга қарамай, мамлакатимиз олдида давлат активлари ва мажбуриятларини бошқаришни яхшилаш, ўрта муддатли бюджетни ривожлантириш, фискал стратегияни ишлаб чиқиш, давлат маблағлари харажатлари очиқлигини таъминловчи ишларни давом эттириш вазифалари турибди. Бундан ташқари, ҳисоб-китоб ва аудит соҳасида халқаро стандартларни жорий қилиш зарурати ҳам бор.

– Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади, – деди Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Эдуард Стипрайс. – Буни PEFAнинг баҳолаш натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Яъни 2012 йилги кўрсаткичлар билан солиштирганда, Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатларига эришилган.

Тадбирда Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори баҳолаш натижалари давлат маблағларини бошқаришнинг янада самарали тизимини яратиш, давлат бюджетининг очиқлиги эса инвестициявий жозибдорликни оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистонда PEFAнинг жорий баҳолаш натижалари мамлакатимизнинг 2018–2025 йилларга мўлжалланган Давлат маблағларини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегиясини янгилашда қўлланилади.

У.А.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Т.Ишметов ва Россия Банки раисининг биринчи ўринбосари К.Юдаева ҳамраислик қилдилар.

Анжуманда томонлар кенг доирадаги, хусусан, банклараро ҳамкорлик, миллий тўлов тизимларини ривожлантириш, банк назорати ва улар фаолиятини тартибга солиш, жумладан, трансчегаравий банкларни биргаликда назорат қилиш, молиявий оммабопликни ошириш, ҳодимлар малакасини ошириш соҳаларига тегишли масалаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилиш доирасида томонлар банк назорати соҳасида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси марказий банклари ўртасида банк назорати борасида, шу жумладан трансчегаравий банкларни биргаликда назорат қилишда қўлланилаётган ёндашувлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш ва яқин ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратди.

Хорижий банклараро ҳамкорлик кучаймоқда



ган ўзаро англашув тўғрисида Меморандум ишлаб чиқишни келишиб олдилар.

Россия ва Ўзбекистоннинг тўлов карталари миллий тизимларини тизимлараро интеграциялаш ва тўлов тизимлари соҳасидаги ёндашувларни тартибга солиш ва кузатиб бориш (назорат) бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

Томонлар ҳодимлар малакасини ошириш соҳасида Россия Федерацияси Мар-

казий банки ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоладилар.

Йиғилиш иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланди ва мазкур ташаббус банклараро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга шароит яратишини қайд этдилар. Кичик комиссиянинг навбатдаги мажлиси Тошкентда бўлиб ўтади.

cbu.uz

Turkiston bank Uzc card-UnionPay кобейджинг карталарини амалиётга киритди

Turkiston bank Uzc card-UnionPay кобейджинг карталарини ўз мижозларига тақдим этишга киришди. Бироз аввал юртимизда илк бор "Алоқабанк" ушбу карталарни амалиётга жорий этган эди.

Бугунги кунга келиб, UnionPay International тўлов карталари дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатда қабул қилинади, хусусан, 1,1 млн. банкومات ва 12 млн. савдо ходимларида. Карталарнинг бирлашган эмиссия-ни 5 млрд. дан ортиб кет-

ди. Бу кўрсаткичлар натижасида UnionPay бошқа тўлов тизимларини ортда қолдириб, биринчи ўринга чиқиб олди.

Эслатиб ўтамиз, кобейджинг карталари бир қатор қулайликларни ўзида мутасам этади:

– бир неча тўлов тизимларидан тўлов инфратузилмасида фойдаланиш;

– пластик картадан ўз давлатидан ташқарида ҳам фойдаланиш имконияти мавжудлиги (мисол учун, Mastercard, Unionpay тўлов тизимлари);

– агар чет эл тўлов тизими яшаб турган жойда ишлатилмай қолса, карта эгаси маҳаллий тўлов тизими орқали тўловларни амалга ошириши;

– тўлов тизимларининг рақобатбардорлик даражаси ошиб бориши;

– Карта эгасида ягона карта орқали, таклиф қилинаётган тўлов тизимларидан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлишидир.

Масофавий хизматлар кўлами кенгаймоқда

Бугунги кунда барча соҳаларда рақамлаштириш, замонавий технологияларни тизимга жорий этиш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Айниқса, ушбу соҳада юртимиз тижорат банклари томонидан аҳоли учун кўпга янгидан-янгидан лойиҳалар амалга оширилаётганини кўриб, кузатиб турибмиз. Жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тизимга рақамли банк тамойилларини жорий этиш чора-тадбирларини фаол олиб бормоқда. Бу ҳақда "Рақамли банк: "Ўзсаноатқурилишбанк"да ушбу тизимнинг дастлабки босқичлари" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Унда дастлаб, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Анвар Эргашев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури"да ҳам банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг

жорий этиш, шу жумладан, рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтиришга доир вазифалар алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлади.

– Юртимизда биринчи бўлиб юридик шахс мақомидagi мижозларга 24/7 режимида ишловчи онлайн банк хизматлари тақдим этилди. Энг замонавий технологик ечимларга асосланган мазкур хизматлар билан банк ўз мижозларига ҳисоб рақамларини ҳафтанинг 7 кунли, сутканинг 24 соа-

ти мобайнида узлуксиз тасарруф қилиш имконини беради, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" Ахборот технологиялари департаменти директори Аброр Кенжаев ўз сўзида. – Шу билан бирга мижозларга масофадан хизмат кўрсатишга мўлжалланган барча дастурлар ("UzPSB Mobile", "Менинг банким", "Шахсий кабинет", "Корпоратив интернет банкинг", "UzPSB Mobile Business", "SMS Banking") жорий қилинаётган янги хизматларга мослаштирилган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, жисмоний шахс мақомидagi мижозлар учун "UzPSB mobile" мобил иловасининг веб талқини – "Менинг банким" ишга туширилгани аҳоли учун янада кенг қулайликлар яратди.

Шунингдек, банк томонидан яқинда банкнинг пойтахтимиздаги Чилонзор филиали қошида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга кенг кўламли банк ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи "Банк хизматлари маркази" ишга туширилди. Шу кунларда банкнинг

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро минтақавий филиалларида ҳам ана шундай "Банк хизматлари маркази" очилиши кўзда тутилган. Мазкур марказларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда банк мижозлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, хизматлар сифати ва тезкор амалга оширилиши таъминланади.

Анжуманининг иккинчи қисмида журналистлар Тошкент шаҳридаги Инха университетидеда банк хизматлари ва амалиётларини автоматлаштириш бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий технология маркази ("Financial Technology center of Sanoat Qurilish Bank") билан ҳам танишдилар.

Қайд этиш жоизки, марказ орқали университет талабалари турли ахборот технологиялари ёрдамида банк бизнесининг барча йўналишлари бўйича назарий билим ва амалий кўникмага эга бўладилар. Шу билан бирга мазкур лойиҳа банк учун АКТ соҳасида етук кадрлар захирасини шакллантиришга кўмак беради.

Рустам ТУРСУНОВ



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакат экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим шarti” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзмиллийбанкнинг мутасадди ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзмиллийбанк: мақсадимиз — экспорт салоҳиятини ошириш



Анжуманда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сийсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 21 июндаги “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 3 ноябрдаги “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари тadbиркорлик субъектларига экспорт фаолиятларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратмоқда.

Натижада мамлакатимизда экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари сонни кун сайин кўпайиб, махсулот экспорти тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, худудларнинг иқтисодий


салоҳияти ўсишига замин яратмоқда. Бу ютуқларда тижорат банкларининг ҳам ўз улуши борлигини қайд этиш жоиз.

— Ўзмиллийбанк томонидан экспортчи тadbиркорлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ўтган 2018 йил ва 2019 йилнинг январь-февраль ойларида 172 та корхонага миллий валютада 1,1 трлн. сўм ҳамда хорижий валютада 483,7 млн. долларга тенг бўлган банк кредитлари ажратилди, — дейди Ўзмиллийбанк Кредит департаменти директори Бахтиёр Мирдовидов. — Мазкур маблағлар тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва замонавий иссиқхона барпо этиш каби бир қатор муҳим тармоқларга йўналтирилди. — Натижада қисқа вақт ичида тadbиркорлар томонидан 523,9 млн. долларлик махсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Шунингдек, банк томонидан худудларда агрокластерлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда 6 та кластер учун 400 млрд. сўм йўналтирилган бўлса, жорий йил эса 11 та кластерлар учун бир трлн. сўмдан ортик сармоя ажратиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, Ўзмиллийбанк бугунги кунда банк тизимида фаолият кўрсатаётган 1104 та экспортёр корхонага умумий қиймати 10,9 млрд. доллар эквивалентда бўлган экспорт шартномаларига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шартномалар бўйича 2018 йил якунлари ҳамда жорий йилнинг ўтган даври давомида жами 1,72 млрд. доллар миқдорида валюта маблағлари келиб тушган.

“Тижорат банкларининг 2019



йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган Йўл харитаси” доирасида маҳаллий тadbиркорлар ва хорижий сармоядорлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳар бир тижорат банкида, шу жумладан, Ўзмиллийбанкда “Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази” ташкил этилди. Бугунги кунда марказнинг шўъбалари банкнинг барча худудий бўлинмаларида ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, марказ тadbиркорларга хорижий кредит линияларининг афзалликларини тушунтириб, инвестицион лойиҳаларини хорижий кредит линиялар ҳисобидан молиялашга кўмаклашмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзмиллийбанк тadbиркорлик субъектларига Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Баден-Вюртемберг Ландес-банки, Кореянинг Эксимбанки, Хитой давлат тараққиёт банки, Туркия Эксимбанки ва бошқа хорижий молия институтларининг кредит линияларини таклиф этмоқда. Ушбу маблағлар Европа Иттифоқи, Корея Республикаси, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларда технологик линиялар, махсус техникалар ва бошқа махсулотларни сотиб олиш учун мўлжаллангандир.

Тadbир сўнггида банк мутахассислари ва журналистлар ўртасида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Б. МУҲАММАДИЕВ

Астойдил интилиш самараси

Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогарбанк” АТБ Фарғона вилояти филиали жамоаси мижозларга узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, замонавий банк ва интерактив хизматлар турларини тақдим этмоқда. Банк филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

— Банк филиали томонидан жорий йилнинг 1 март ҳолатига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 165 та юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори 3693,1 млн. сўмни ташкил этди, — дейди “Савдогарбанк” ОАТ Банки Фарғона вилоят филиали бошқарувчиси Нурмуҳаммад Сатволдиев. — Шу жумладан, жисмоний шахсларга истеъмол ва микроқарзлар 1012,5 млн. сўм, юридик шахсларга 1302,0 млн. сўм ва яқка тартибдаги тadbиркорларга ажратилган кредитлар миқдори 1379,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан жорий йилда 1,2 марта кўп дегадир. Мазкур ажратилган кредитлар эвазига эса 165 та янги ишчи ўрни яратилган.

Филиал таркибидаги кредит кўмиталари ўз фаолиятини самарали ташкил этиб, мижозлар тақдим этган ҳужжатларни ва хўжалиқ субъектининг ликвидлигини шаффофлик мезони асосида ўрганиб чиқмоқдалар.

Шунингдек, филиал жамоаси оилавий тadbиркорлик ва хўнарманчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жамоа “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш, кредитлар ва замонавий банк хизматларидан олинадиган даромадлар миқдорини оширишга астойдил интиляпти.

Ҳамдам АМИНОВ

Суғурта бозорида 22 йил

Бугунги кунда “Ўзгросуғурта” АЖ қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш, аҳоли суғуртаси, мажбурий суғурта турлари, молиявий таваккалчиликларни суғурталаш каби 140 дан ортик суғурта хизматларини кўрсатиб, мижозлар сонини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Қолаверса, компания бошқа суғурта жамиятлари ичида тармоғи кенглиги билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳрида жами 14 филиал, 175 та туман ва шаҳар бўлинмалари, 25 та суғурта марказлари ҳамда 500 та агентлик шаҳобчалари, уларда 2000 дан ортик суғурта агентлари аҳолига муносиб хизмат кўрсатиб келмоқда.

Компаниянинг биргина 2018 йил кўрсаткичларига назар ташласак, суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг жами ҳажми (ҳаёт суғуртасидан ташқари) 1 218,0 млрд. сўмни, жамиятнинг суғурта бозоридаги улуши эса 14,6 % ни ташкил этди. Бу ҳақда “Ўзгросуғурта” АЖ

томонидан уюштирилган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Унда қайд этилишича, жамият 1997 йилда ташкил қилинган бўлиб, шу йиллар мобайнида мажбурий суғурта турларини оммавий тарзда жорий этиш учун компания тизимида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, транспорт воситалари гавжум жойларда кўчма шаҳобчалар, марказлаштирилган алоқа тизимлари ва электрон дастурларнинг тузилиши натижасида мижозларга бир қатор қулайликлар яратилди.

Натижада суғурта тўловлари жамият иш бошлаган илк йилда 196,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 64,9 млрд. сўмга етди. 22 йил давомида эса суғурта қилдирувчиларга 288,6 млрд. сўмдан ортик суғурта тўловлари амалга оширилди.

2018 йилда қарийб 3 161 790 донга суғурта шартномалари расмийлаштирилиб, суғурта ҳимоясига олинган барча объектлар бўйича мажбуриятлар 63,8 трлн. сўмдан ошди. Ҳисобот даври мобайнида 178,8 млрд. сўм суғурта мукофотлари таъминланган бўлиб, унинг 66,6 млрд. сўми мажбурий ва 112,2 млрд. сўми этиёрий суғурта турларидир.

Қайд этиш жоизки, “Ўзгросуғурта” АЖ ўз молиявий барқарорлиги ҳамда тўлов қобилиятини юксалтириб, устав капиталини йилдан-йилга мустақамлаб келмоқда. Хусусан, жамиятнинг устав капитали ўтган йигирма йил ичида 54,5 бараварга ошиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Ўзгросуғурта” акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида”ги 477-сонли қарори асосида “Ўзгросуғурта” АЖ устав капитали 108,9 млрд. сўмга етказилди. Инвестиция портфели эса компания ташкил топган даврда (1997 йилда) 800 млн. сўм бўлган бўлса, сўнгги 22 йил ичида 143,0 мартага кўпайиб, бугунги кунда компания инвестиция портфели ҳажми 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 114,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Компания томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Қар бир оила – тadbиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарорига асосан аҳолига ажратилаётган кредитларни имтиёзли, қулай суғурта тарифлари асосида суғурталаш ишлари амалга оширилган бўлиб, 6020 та суғурта шартномалари имзоланди ва 108,3 млрд. сўм суғурта мажбуриятлари олинди.



“Ипотека-банк” АТИБ ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида “Ипотека-банк” АТИБнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикасига ЕТТБнинг Халқаро савдони ривожлантириш дастури бўйича катта маслаҳатчиси Игорь Русин ташриф буюрди.

Игорь Юрьевич Русин халқаро савдони молиялаштириш ва корпоратив банк соҳасида 37 йиллик тажрибага эга етук мутахассисидир.

Ҳозирда жаноб И.Русин “Ипотека-банк” АТИБнинг халқаро савдо ва тузилмавий молиялаштириш, кафолатлар, захиравий аккредитивларнинг имтиёзлари соҳаларида, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш ва опера-

цияларни техник ўтказиш бўйича маслаҳатчи хизматларини кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича доимий маслаҳатчиси ҳисобланади.

Халқаро савдони молиялаштириш глобал иқтисодий ривожланиш даврида муҳим ҳисобланади. У ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, контрагентлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим

Халқаро мутахассис иш бошлади



аҳамиятга эгадир. Қолаверса, у мазкур мақсадлар йўлида айланма маблағларни жалб қилмасдан янги маҳсулотлар

ишлаб чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда банкларнинг савдо ва тузилмавий

молиялашдаги операциялари ва хизматлари мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига хизмат кўрсатишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, “Ипотека-банк” халқаро молия амалиётига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ, тузилган ҳужжатли ҳисоб-китоблар ва савдони молиялаштириш воситаларининг энг пешқадам турларини таклиф қилиб келмоқда.

Банк Ахборот хизмати

Hi-Tech Bank ХАБ замонавий банк хизматларини тақдим этиш учун NETinfo рақамли банк платформасини танлади.

“Hi-Tech Bank”да рақамлаштириш жараёни бошланди



Унинг замонавий технологик ечимлари Hi-Tech Bank ва унинг мижозларига хавфсиз, қулай рақамли банк хизматларидан фойдаланиш ва янги банк маҳсулотларини кенгайтириш имконини беради. Рақамли таклифлар банк мижозларини мослашувчан, тезкор, хавфсиз ва узлуксиз хизмат билан таъминлайди. Бу ҳақда икки томонлама ҳамкорлик учрашувида сўз юритилди.

Мазкур тақдимот учрашувида NETinfo компаниясининг раиси ва бош директори Вассос Аристодемоу “Биз Hi-Tech Bank билан ҳамкорликда рақамли таклифларни ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз. Hi-Tech Bank бугунги кунда мижозлар эҳтиёжини инobatга олган ҳолда тўлиқ рақамли банк бўлишга интилиб, бу жараёнда онлайн ва мобиль таклифлардан тўлиқ фойдаланмоқда. Бизнинг ушбу ҳамкорлигимиз ҳам уларни рақамли ўзгартиришга олиб келади ва бу жараён юқори даражада ўтади”, дея таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, “Hi-Tech Bank” республиканинг энг инновацион банкларидан бири сифатида мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнини соддалаштирган ҳолда юқори сифатли ҳамда рақамли хизматларни тақдим этишга интилмоқда.

finance.uz

Реклама



ИПОТЕКА БАНК

*Хурматли ватандошлар, ҳамкасблар ва ҳамкорлар!
Ипотека-банк жамоаси сизларни юртимизга ўзгача
гўзаллик, тароват ва кўтаринкилик билан кириб
келаётган Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Наврўз ҳаётингизга баҳорий гўзаллик, хуш кайфият
ва улкан муваффақиятлар олиб келсин.
Хонадонингиздан бахт-омад, файзу барака, қувончу
шодлик аримасин!*

Наврўз байрамингиз муборак!





“Микрокредитбанк” бир йилда 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этди

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, ўтган йили аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 794 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек, ижтимоий дастурлар доирасида 15 125 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 459,7 млрд. сўм миқдордаги имтиёзли микрокредит маблағлари ажратилиб, 20 107 янги иш ўринлари яратилгани фикримиз тасдиғидир.

Қайд этиш жоизки, банк томонидан аҳолини чорвачилик, пар-



Реклама



“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки жамоаси
Ўзбекистон аҳлини яшариш ва
янгилашни айёми Наврўзи олам
билан қутлайди!

Шунингдек юртдошларимизга
“Тадбиркор”, “Оила жамғармаси”,
“Кафолат”, “Барқарор-онлайн” номли
омонат турларини таклиф этади.

“Микрокредитбанк” –
мақсад сари дадил қадам!

рандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, иссиқхоналар ташкил этиш каби бир қатор соҳаларни молиялаштириш борасидаги ишлари ҳам самарали кечаётди. Бу ҳақда “Микрокредитбанк” Бошқаруви раиси ўринбосари Азиз Низамов шундай деди:

– 1 061 та маҳаллада истиқомат қилаётган 4 788 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, иссиқхоналар ташкил этиш, миллий ширинликлар, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларини молиялаштириш учун 100,8 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” бўлимларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг 450 нафарига 6,5 млрд. сўм, аҳолининг томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш учун 1 533 фуқарога 20,3 млрд. сўм, ҳунармандчиликни молиялаштириш мақсадида 5 235 нафар ҳунармандга 147,5 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 3 119 тадбиркор аёлга 184,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган 228 та лойиҳаларни молиялаштириш учун 232 млрд. сўм кредитлар ажратилди ҳамда 2 195 та иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, республикада қуён етиштириш саноат усулини жорий қилиш мақсадида 56 та қуёнчиликка ихтисослашган агрофирмалар ташкил этилди ҳамда ушбу агрофирмаларга 39,5 млрд. сўм, шунингдек, хонадонда қуён боқиш учун аҳолига 4,5 млрд. сўм кредит ажратилиб, натижада 427 нафар фуқаро янги иш ўрнига эга бўлди.

Бу каби ишларни жорий йилда ҳам давом эттириш банкнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, Президентимизнинг ҳудудларга қилган ташрифлари давомида белгилаб берилган 2019–2020 йиллар мобайнида ишга туширилиши лозим бўлган 300 та лойиҳага 285 млрд. сўмлик кредитларни ўз вақтида ажратиш орқали 6 000 та янги иш ўрни яратишига эришиш кўзда тутилган.

Малика ПЎЛАТОВА



Жамиятимизда барча соҳада босқичма-босқич ўтказилётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аввало, кадрлар сиёсати билан бевосита боғлиқ. Сабаби, малакали ва ўз ишининг фидойиларигина юрт равнақиға чинакам ҳисса қўша олади.

Шу боис юртимиздаги тижорат банкларида ҳам кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, банкларнинг муваффақиятли ривожланиши учун муносиб номзодларни тўғри танлаш, уларни қайта тайёрлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

“Туронбанк” АТБ ҳам айти пайтда кадрларнинг амалдаги ва истиқболли захира-сини шакллантириш, уларни

босқичма-босқич раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий билим даражаларини ошириш мақсадида қатор саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Бугунги кунда “Туронбанк”да 1 200 нафардан ортиқ ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарини ёшлар ташкил этади.

– Банкимиз томонидан ёш кадрларнинг билим ва



Банк ёшлари доимий эътиборда



малакаларини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, – дейди “Туронбанк” АТБ матбуот хизмати ходими Феруза Рўзиқуллова. – Жумладан, бир қатор молия соҳасига доир ўқув марказлари билан келишган ҳолда ҳудудий филиаллардаги ҳар бир ходим малакаси оширилмоқда. Шунингдек, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси билан биргаликда режа асосида ходимлар ўқитиб борилаётгани эса ўз самарасини бераётир.

Шу билан бирга айти пайтда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали банк ходимларини хориж мамлакатларида магистратура, малака ошириш ва амалиёт йўналишларида таҳсил олишлари учун ўн нафар номзодни тақдим этдик.

Шунингдек, банкимизда ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ҳар йили олий таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналиши бўйича таҳсил олаётган 4-курс талабалари танлов асосида ишга қабул қилинади. Хусусан, ўтган йили октябрь ойида ҳам тест синовлари асосида ана шундай 44 та талаба саралаб олинди, 0,5 ставкада ишга қабул қилинди. Ҳозирда илми толиблар ҳам ўқиб, ҳам иш тажрибасига эга бўлиб бормоқдалар.

Шунингдек, банк раҳбарияти ёшларнинг маънавий камолоти-га алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун Республика Маънавий тарғибот маркази билан ҳамкорликда ҳар ойда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу боис банкнинг ҳеч бир тадбири семинарлари таниқли шоир-ёзувчилар, халқимиз ардоғидаги санъаткорлар иштирокисиз ўтмайди.

Жумладан, буюк бобокалонларимиз Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб ўтказилган ижодий кечага таниқли сухандон ва шоир Муслимбек Йўлдошев таклиф этилиб, банк ходимлари билан сермазмун суҳбат қурди. Бундан ёшларимиз бир олам таассурот олиб, адабиётнинг сирли олами-га саёҳат қилди.

Йил давомида “Туронбанк”нинг бир йиллик иш режасига кўра, банк ходимлари учун вилоятларда ўқув семинарлари билан биргаликда мазмунли саёҳатлар ҳам ташкил этилади. Билимини ошириш ва ҳамкасблар билан тажриба алмашиш мақсадида бошқа вилоятга ташриф буюрган банк ходимлари ўша ердаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўладилар. Энг муҳими, саёҳат давомидаги барча йўл ва дам олиш харажатлари банк томонидан молиялаштирилади ҳамда ёшларнинг билим ва малакаси ошиши учун барча қулайликлар яратилади.

“Туронбанк” АТБ матбуот хизмати
Реклама ҳуқуқи асосида

Реклама

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва янгилиниш байрами Наврўз айёми билан муборақбод этади!

Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартлардаги муддатли, жамғарма ва онлайн омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонатлар	21%гача
Хорижий валютадаги омонатлар	6%гача

www.turonbank.uz

turonbank

turonbank turonbankuz

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган



“Трастбанк” ҳудудлар фаолиятини янада кенгайтирмоқда

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки республикада ҳудудларида аҳолининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мини-банклар тармоғини кенгайтиришда давом этмоқда.

Наврўз байрами арафасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Андижон филиали қошида “Жаҳон бозори” мини-



банки ўз иш фаолиятини бошлади. Мазкур мини-банк бугунги кучли рақобатбардош бозор шароитида барча турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган зарур жиҳоз ва техникалар билан тўлиқ таъминланган. Хусусан, мини-банк юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатади.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудитидан муваффақиятли ўтиб, мувофиқлик сертификати қўлга киритди. Бу стандарт бир қатор сифат менежментининг тамойилларига асосланган бўлиб, у доимий юксалишга асосланади.

“ASIA ALLIANCE BANK” халқаро мукофот ва стандартни қўлга киритди

Банкка ISO 9001:2015 халқаро стандартини киритишдан асосий мақсад, бу сифат менежменти тизим самарадорлигини доимий ривожлантириш, шу билан бир қаторда мижозларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.

ISO 9001:2015 стандартининг асосий устунликлари қуйидагиларни ташкил этади:

- мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада ошириш, шу билан бирга мижозлар кўламини кенгайтириш;
- рақобатдошликни ва халқаро майдонларга чиқиш имкониятини ошириш;
- белгиланган мақсадларни амалга ошириш ва кўзланган натижаларга эришиш;
- барча жараёнларни зарур бўлган манбалар билан таъминлаш.



“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ доимий равишда стандарт талабларини бажаришни таъминлайди, шу асосда сифат менежменти тизими тараққий этади ва мижозларнинг банкка бўлган эҳтиёжлари қондирилади.

Шунингдек, “ASIA ALLIANCE BANK” Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ITFC) билан ҳамкорликда Ўзбекистонда Ислом шартлари асосида савдо-молиялаштиришни муваффақиятли амалга оширгани учун мукофот олди.

Умумжаҳон Ислом молия хизматларини тақдим этувчи RedMoney, ўзининг Ислом молия янгиларлари (IFN) журналида ҳар йили “Йилнинг энг яхши битими” номинацияси бўйича ташкилотларга мукофот топширади. IFN экспертларининг ҳулоасига биноан 2018 йил якунлари бўйича ASIA ALLIANCE BANK “2018 йилнинг энг яхши битими” мукофотига сазовор бўлди.

finance.uz

Реклама

TRASTBANK

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ

21 март Наврўзи олам билан юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини самимий муборакбод этади!

Ушбу қувончли байрам кунлари арафасида Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-омад, хонадонларингизга қут-барака, дастурхонларингизга тўкин-сочинлик, кўнглиларингизга хотиржамлик, Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Ҳар бир кунингиз қувончлардан иборат бўлсин. Ўзбекистон осмонида доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

Ушбу ажиб байрам санаси арафасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки миллий валютада янги омонат турини таклиф этади:

“Ишонч” – йиллик 20 фоиз даромад тўланади. Омонат муддати - 36 ой.
Депозитнинг минимал миқдори 1 000 000 сўм.

Депозит муддатидан аввал ёпилганда, унинг омонатига ҳисобланган ҳар 6 ойлик фоизлар сақланиб қолади ва тўлаб берилади. Омонатчи омонатга дастлабки 24 ой давомида ҳар ойда бир марта қўшимча бадал киритиши мумкин.

Шунингдек, банк UZCARD пластик картасига эга жисмоний шахсларнинг масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланишлари учун оммабоп ва қулай “TrustPay” мобил иловасини таклиф этади.

www.trustbank.uz
www.facebook.com/trustbank.uz
t.me/trustbank_channel_1
www.instagram.com/trustbank_uz/

Мурожаат учун: (+99878) 140-00-88

“Трастбанк” – ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.



“RUSTAM KREDIT” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий натижалари

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МВнинг 2015 йил 15 сентябрдаги 38-сонли лицензияси.

Юридик манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 55-уй

Баланс ҳисоботи 2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	10
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	90 766
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	69 812
50	12401+ 12405+ 12409+ 15701+ 15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	1 578 015
51	12499+ 15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	1 578 015
70	16500	Асосий воситалар, соф	82 048
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+1 6400	Бошқа активлар	220 260
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	2 040 910
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+ 21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши-лозим бўлган фоизлар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	5 070
250	22800	Муддатги узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	17 883
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	22 953
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	500 000
320	30903	Умумий захира фонди	75 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Таксимланмаган фойда	283 293
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
370	(40000- 50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	1 159 664
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	2 017 957
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	2 040 910

Молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча тоифадаги ҳўжалик субъектларида аудиторлик текшируве ўтказиш ҳўқуқини берувчи лицензияга эва бўлган, 2008 йил 18 февралда тақдим этилган лицензия рақами АФ 00202) томонидан тасдиқланган ва бухгалтерлик ҳисоботининг барча миллий меъерларига мувофиқ тайвирланган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	1 173 050
160	44700+ 44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	1 173 050
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+ 53195+ 53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микрولизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	1 173 050
320	56802+ 56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	1 173 050
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	504 133
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	504 133
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	25 239
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	3 918
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	29 157
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	1 648 026
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	198 906
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	39 296
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	32 198
750	56500	Репрезентация ва хайрия	4 352
760	56600	Эскириш харажатлари	7 459
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	16 098
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	298 309
800	56800- 56802- 56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИК БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	1 349 717
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	190 053
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	1 159 664
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	1 159 664

* Изоҳ: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлардан ташқари.

“Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот кредит ташкилотининг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрисидаги ҳақиқийлиги аудиторлик ҳўқуқисига бор.”

Хизматлар лицензияланган.



Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори (222-сон, 19.03.2019 й.) қабул қилинди.

Янги намунадаги суғурта полислари амалга киритилади

Қарорга кўра транспорт эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича онлайн ягона ахборот тизими жорий этилади.

Мажбурий суғурта бўйича янги намунадаги суғурта полислари амалга киритилади. Илгари берилган суғурта полислари амал қилиш муддати тугагунча ўз кучини сақлаб қолади.

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули оширилиб, 40 млн. сўм миқдорда белгиланди. Яъни, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида етказилган зарар учун тўланадиган суғурта

товони шу суммадан ошмайди. Илгари бу сумма 12 млн. сўмни ташкил қилган.

Суғурта қилдириш учун ишончнома ёхуд ушбу транспортга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этиш бўйича талаб ҳам бекор қилинди.

Шунингдек, зарур маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганида суғурталовчи ҳужжатларни (паспорт, транспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаларини) талаб қилмасдан суғурта қилиши мумкин.

Мазкур қарор 3 ойдан кейин кучга киради.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди

Ҳукумат қарори (218-сон, 13.03.2019 й.) билан Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, лицензия Молия вазирлиги томонидан берилади.

Лицензия олиш учун аризага қуйидагилар илова қилинади:

- меҳнат дафтарчаси;
- ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқ нусхаси.

Илгари, аудитор малака сертификатлари ҳамда бухгалтер халқаро сертификатларининг нусхалари, аудиторлик ташкилоти устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ҳам тақдим этилган.

Аризани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари (202 минг 730 сўм) миқдоридан йиғим ундирилади ва ариза 15 календарь кунда

кўриб чиқилади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан, (илгари 4 баравари эди) давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганидан ва лицензия битими имзоланганидан сўнг икки кунда лицензия берилди.

Лицензия унинг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

Лицензия бериш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

- аудиторлик ташкилоти томонидан ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда;

- ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

- аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганида.

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун лицензиялар 3 йил муддатга берилди

Ҳукумат қарори (224-сон, 16.03.2019 й.) билан Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун лицензиялар "E-AUKSION"даги савдо яқунлари бўйича 3 йил муддатга берилди.

Давлат геология кўмитаси ер қаъри участкаларининг рўйхати тасдиқланганидан сўнг 5 кунда аукционни ўтказиш учун маълумотларни тайёрлайди.

Аукцион ўтказиш ҳақидаги хабар аукциондан 5 кун олдин эълон қилиниши лозим.

Аукционда иштирок этиш учун аризалар "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази"нинг веб-сайтида (e-auction.uz) қабул қилинади.

Аризага ҳисоб рақамга ер участкасининг 5 фоизи миқдоридан закалат пулини жойлаштириши лозим.

Ер участкасининг дастлабки нархи

7,5 млн. сўм этиб белгиланади ва ушбу нарх ҳар 10 минутда оширилади.

Давлат геология кўмитаси томонидан лицензия бериш билан бирга ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади.

Қазиб ишлари бошланишидан аввал маҳаллий ҳокимият органлари, Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси ва Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ёзма хабардор қилиниши шарт.

Мазкур конларда қазиб олинган металллар ихтисослаштирилган металл қабули кассаларига ёки лицензияга эга тадбиркорларга сотилади.

Шунингдек, Ҳукумат қарори (225-сон, 16.03.2019 й.) билан 2019 йилда фойдаланишга берилдиган ер қаъри участкаларининг рўйхати ҳам тасдиқланди.

Рўйхатга кўра, 2019 йилда Навой ва Самарқанд вилоятларидаги 405 та участкадаги жами 403,4 гектар майдон қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун фойдаланишга берилди.

"MOMENT-KREDIT" МЧЖ

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МВнинг 2015 йил 18 апрелда 34-сонли лицензияси.

Юридик манзил: 110503 Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 10-уй, 7-хонадон

Молиявий ҳисобот		минг
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра		сўмда
АКТИВЛАР		979 186
1. Нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари		14 134
2. Банклардан олинган керак бўлган маблағлар		160 344
3. Кредитлар		662 010
4. Асосий воситалар, соф		38 440
5. Олиш учун ҳисобланган фоиз маблағлари		41 126
6. Активлар, қарз ҳисоб китоблари давомида эга бўлинганлари		0
7. Бошқа активлар		63 132
МАЖБУРИЯТЛАР ВА САРМОЯ		979 186
МАЖБУРИЯТЛАР		28 011
8. Тўланадиган кредитлар		0
9. Тўлов учун ҳисобланган фоизлар		0
10. Бошқа мажбуриятлар		28 011
САРМОЯ		951 175
11. Устав жамғармаси		500 000
12. Заҳира жамғармаси		75 000
13. Бепул асосда эга бўлинган мулк		0
14. Хайрия бадал ва тўловлари		0
15. Қайта баҳолаш бўйича тузатишлар		21 251
16. Жорий йил даромади эвазига ҳисобланган дивидендлар		0
17. Тақсимланмаган фойда		0
18. Жорий йилда соф фойда (зарар)		354 924


Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

Моддалар	минг сўм
ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ	669 017
Кредитлар бўйича фоиз даромадлари	669 017
2. ФОИЗ ХАРАЖАТЛАРИ	0
а. Кредит тўловлари бўйича фоиз харажатлари	0
б. Бошқа фоиз харажатлари	0
1. СОФ ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ	669 017
3. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	217 843
а. Воситачилик ва хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар	0
б. Мулк сақланишидан олинган даромадлар	0
в. Бошқа фоизсиз даромадлар	217 843
4. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	0
а. Воситачилик ва хизмат кўрсатишда қилинган харажатлар	0
б. Бошқа фоизсиз харажатлар	0
II. СОФ ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	217 843
III. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГА ҚАДАР ОЛИНГАН СОФ ДАРОМАД	886 860
5. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	328 386
IV. СОЛИҚ ВА БОШҚА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР ТЎЛанишидан олдинги СОФ ДАРОМАД	558 474
а. Фойда солиғини баҳолаш	81 300
V. ТУЗАТИШЛАРГА ҚАДАР ОЛИНГАН ДАРОМАД	477 174
а. Қўзда тутилмаган даромад ёки зарарлар, соф	0
б. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)	477 174

Молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлиги "FTF-LEA-AUDIT" МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча тоифадаги хўжалик субъектларида аудиторлик текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, 2008 йил 18 февралда тақдим этилган лицензия рақами АФ 00202) томонидан тасдиқланган ва бухгалтерлик ҳисоботининг барча миллий меъёрларига мувофиқ тайёрланган.

"Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ломбарднинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор."

Хизматлар лицензияланган.



Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги
“Мирзачўл” тикувчилик мажмуаси МЧЖ

Наврўз

айёми билан Ўзбекистон аҳолисини ва юртимиз
меҳмонларини чин юракдан муборакбод этади!





Наврўзингиз муборак бўлсин!

Реклама

QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни

Наврўз –

умумхалқ байрами билан
самимий қутлаймиз.
Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий
хотиржамлик,
Она-Ватанимизнинг
равнақи йўлидаги
фаолиятингизда
янгидан-янги
муваффақиятлар
тилаймиз.

ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚҲЙИДАГИ
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

“Инсон манфаати” –
омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 20 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Келажак бунёдкори” –
омонат муддати – 25 ойдан 36 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 21 %.

“Қишлоқ қурилиш банк” –
фаровон ҳаётингиз хизматида!

☎ (78) 150-72-58, 150-93-39

🌐 www.qqb.uz

Наврўз байрамини
нишонлаш қачондан
бошланган?

Наврўзнинг кириб келиши баҳорги тенгкунлик билан ўлчанади. Қуёш йигирма биринчи мартда шимолий ярим шарга – Ҳамал буржига ўтади, бу вақтда кеча билан кундуз ҳар иккала ярим шарда ҳам бир хил тенг бўлади. Айни шу кун шимолий ярим шарда баҳорги тенгкунлик – Йилбоши, Наврўз киради.

Наврўз (форсчада–янги кун) — Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий анъанавий янги йил байрамидир. Шамсий тақвим ҳисобида йилнинг биринчи кун бўлиб, баҳорги кун ва туннинг тенглигига, яъни 21-22 мартга тўғри келади.

Тахминларга кўра, Наврўзни байрам сифатида нишонлаш аҳмонийлар даври (милоддан аввалги 6-5-асрлар)дан бошланган деб ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиши тўғрисида ривоятлар кўп. Абулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” асарида уни шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” китобида маълумот беришича, байрам фарвардиннинг олтинчи кунига қадар давом этган.

Байрам муносабати билан Сосоний подшоҳлари 6 кунда 6 тоифа халқни қабул этганлар ва тортиқлар улашганлар, маҳбусларни озод қилиш анъанаси ҳам жорий этилган.

Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнама” китобида келтирилишича, Наврўз байрами ўтказишнинг махсус тартиб-қоидаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш кабилар халқ орасида кенг одат тусига кирган.

Бошқа халқлар сингари, ўзбеклар ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши сифатида кувонч билан қарши олганлар. Тожик ва Эрон халқларида эса Наврўз байрами дастурхонига номи “С” ҳарфидан бошланган етти хил таом қўйиш (ҳафтсин) одати бор. Наврўз байрамини нишонлаш учун бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Яъни қадимдан Наврўздан 15 кун олдин буғдой ёки арпани ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан байрам кунлари сумалак тайёрланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪЎЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.Ахборот кўмаги
ЎЗА

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: info@banknews.uz, www.
banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasiЧоп этишга тайёрловчи “Moliya yangiliklari
agentligi” МЧЖ Газета таҳририятининг техник уску-
наларида саҳифаланди.Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк
ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни
қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар такриз
қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил
10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.
Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунни чиқади.

Буюртма № г 303

Адади 2685 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 20.03.2019 й.,

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.